


MAKTAB VA HAYOT

ISSN 2010-5460
2/2010

Ilmiy-metodik jurnali



E-mail: maktabvahayot@sarkor.uz

ХАЛҚ ПЕДАГОГИКА АНЪАНАЛАРИ АСОСИДА ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Д.МИРАЛИЕВА – ТДИУ асистенти

Халқ педагогикасининг энг илғор фоялари ёш авлодни ақлий ва жисмоний етук, билим ва ҳунар ўрганишларини, меҳнатсевар, умуминсоний одоб ва ахлоқий қоидаларни ўзида мужассамлаштирган, эстетик дид ва завқи баланд кишилар қилиб етишириш зарурлигини доимо тарғиб қилиб келган.

Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг қатор асарларида анъаналар, унинг тарбия соҳасидаги аҳамияти ҳақида тўхталиб, “Тубдан янгиланиш даврида анъаналарга таяниб иш тутиш, улардан янги ўзгаришларга мос ҳолда оқилона фойдаланиш ислоҳотларнинг изчил ва сабитқадамлик билан амалга оширишга ҳамда жамият барқарорлигига хизмат қиласди”, - деб таъкидлайдилар.

Таълим-тарбия ислоҳотининг бош ва асосий ҳужжати “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ёшларни тарбиялаш юзасидан йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилган. Унда “Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий-маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланди” деб кўрсатилган. Миллий дастурда кўрсатилган бу вазифаларни бажариш учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд.

Халқ педагогикаси ўзида жамиятдаги барча эзгу хислатларни меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, жувонмардлик, севгига садоқат, вафо, катталарга ҳурмат, кичикка иззат каби юксак ахлоқий фазилатларни қамраб олгандир. Халқ педагогикаси, буюк мутафаккирларимизнинг тарбия хусусидаги қарашлари, янги замонавий анъаналар билан биргаликда ёшларни миллий руҳда тарбиялашга хизмат қиласди.

Махмуд Қошғарий, Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирларнинг педагогик меросини ўрганиш аждодларимизнинг тарбия соҳасидаги фикрлари халқ педагогикасининг ёдгорликлари бўлмиш мақол, эртак, ривоят, достонларда илгари сурилган фоялар билан ҳамоҳангидир. Юқоридаги санаб ўтган мутафаккирларимиз инсонпарварлик фояларини эълон қилиш билан бирга, ёш авлодда юксак ахлоқий сифатлар бўлмиш ростгўйлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, ҳаққонийлик каби хислатларни тарбиялашга интилганлар. Улар ўз асарларида илм олишга, ҳунар эгаллашга, турли тилларни ўрганишга чақирганлар.

Ҳар бир ишни бажаришдан аввал режа тузиш керак бўлганидек, тарбияда ҳам бир қатор қонун-қоидалар борки, уларга амал қилиб иш тутсак тарбия борасидаги уринишларимиз самаралироқ бўлади,

чунончи:

- тарбияни бир мақсадга қаратиш;
- тарбияни ҳаёт ва меҳнат билан боғлаш;
- тарбиялананаётган шахсни ҳурмат қилиш;
- талабчанлик;
- муҳит;
- тарбиявий ишларнинг изчиллиги, мунтазамлиги, бирлиги;
- ёшларга ўзини-ўзи тарбиялаш кўникмаларини сингдириш;
- тарбияда ёшларнинг ёши, ўзига хос хусусиятлари, қизиқишлиарини ҳисобга олиш;
- ёшларнинг маънавий хулқ-атвор тажрибасини эгаллаб боришида тадриййлик принципига риоя қилиш.

Бу принциплар этнопедагогиканинг ўргатиш, ишонтириш, тушунтириш, исботлаш, насиҳат, мақташ-намуна, кам бўлсада уришиш, жазолаш усуслари орқали амалга оширилади.

Этнопедагогиканинг принциплари ва усуслари халқнинг этнопсихологик хусусиятлари тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир, чунки бу хусусиятлар хамиша ҳам туғма бўлавермайди, балки турли педагогик таъсир кўрсатиш натижасида тарбияланади.

Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларига қўйидагиларни киритиш мумкин: ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, имон-эътиқодлилик, виждонлилик, дўстлик, ҳалоллик, меҳмондўстлик, бағрикенглик, хушмуомалалик, каттага ҳурмат, сабр-тоқатлилик, ишонувчанлик, гўзалликка, мусиқага меҳр-муҳаббат билан қараш.

Ёшларимиз онгига миллий мафкурани сингдиришда халқ педагогикасидаги миллий анъаналар ва урф-одатларнинг ўзига хос ўрни бор.

Халқ педагогикаси миллий анъаналарини ўрганиш масаласи ўзбек олимлари томонидан ҳам тадқиқ этилган. Мазкур муаммо юзасидан Республикаизда босилиб чиқсан йирик асар З.Миртурсунованинг “Ўзбек халқ педагогикаси” номли монографияси бўлиб, у Ўзбекистонда мазкур мавзу бўйича мухтасар илмий тадқиқот ҳисобланади. Монографияда ўзбек халқ педагогикаси халқ оғзаки ижодида акс этиши ҳар томонлама очиб берилади ва далиллар билан асосланади. Муаллиф халқ оғзаки ижоди жанрларида тарбиявий масалалар қандай ёритилишига эътиборни қаратади ва уларда ақлий, ахлоқий меҳнат ва жисмоний тарбиянинг акс этишини мисоллар асосида кўрсатиб беради.

Ўзбек халқ педагогикаси – миллий маданиятнинг бой манбаидир. Унда ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида тўплланган ва тажрибада синаб кўрилган меҳнат, қаҳрамонлик, ватанпарварлик анъаналарининг мукаммал таҳлили берилган. Маълумки, жамият янги иқтисодий-сиёсий формацияга ўтишида ўзи билан илғор, демократик

анъаналарнигина эмас, балки реакцион анъаналарни ҳам олиб ўтади. Бу ҳодиса миллий анъаналардан оқилона билиб фойдаланишни тақозо қиласди. "Анъаналар – ҳаёт сабоби" китобининг муаллифи Т.Жавлиев анъаналарнинг жамият тараққиётидаги ўрни халқимиз моддий ва маънавий ҳаётидаги роли, аҳамияти бекиёслигини таъкидлайди. Муаллиф ўз китобида билим эгаллашга одатланиш, лафзи халоллик, меҳнатсеварлик – ўзбек халқининг ёнг яхши фазилатларидан бири эканлиги, ёшларни юксак ахлоқ-одоб руҳида тарбиялаш катталарап бурчи эканлигини, миллий анъаналар эса кучли тарбия воситаси эканлигини кўрсатиб беради.

Анъаналар нафақат гносеологик, ижтимоий, балки педагогик муаммо ҳамдир. Аммо улар педагогик жиҳатдан етарлича ўрганилмаган. Бу соҳада яратилган илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, анъаналарнинг болалар тарбиясидаги аҳамияти, улардан тарбия жараёнида фойдаланиш усууллари борасида қатор илмий изланишлар олиб борилган ва қўлланмалар яратилган. Аммо ёшлар тарбиясида миллий анъаналардан фойдаланиш борасида етарлича иш олиб борилмаган. Бу ишлар болалик давридан кейинги даврларда ҳам давом эттирилиши керак.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг бой анъаналаридан кенг фойдаланишга катта имконият яратилди. Чунки халқимизнинг кўл асрлик қадриятларини, улкан ва бой маданий меросини чукур билмасдан миллий ўзликни англаш, миллий фурур туйғуларини қарор топтириш мумкин эмас. Қолаверса, халқ педагогикасининг тарбия соҳасидаги бой тажрибалари ҳаётга тўла татбиқ этилмаганлиги буюк алломаларнинг педагогик қарашлари, шарқона урф-одатлар, бой анъаналари ҳаётга жорий этилмаганлиги тарбия борасида талай қусурларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Халқ ўз ўтмишини, урф-одат, анъаналарини унуга ёзди. Таълим-тарбия ишларида халқ этник маданий

соҳанинг миллий анъаналари, урф-одатлари ва маросимлари каби анъаналарини ўрганишдан асоссиз равишда воз кечилди.

Бугунги кунда ана шу бўшлиқни тўлдириш, халқ миллий анъаналари ва урф-одатларининг аҳамияти ва шахсини эркинлаштиришда, ёш авлодни тарбиялашда фойдаланиш муаммосининг кўп қиррали ва мураккаблиги кенг миқёсда тадқиқотлар олиб бориш зарурийлигини вужудга көлтириди.

Маънавий меросимиз бўлган халқ педагогикасидаги анъаналардан фойдаланишнинг илмий-назарий асосларини пухта билиш муваффақиятлар гаровидир. Халқ анъаналари фалсафий, психологияк, педагогик жиҳатдан ўрганилган бўлиб, улардан тарбия жараёнида фойдаланишда қўйидагиларга эътибор қилиниши тақозо этилади:

- Халқ педагогикаси анъаналари ёшларда миллий мағкуруни шакллантириш омилларидан бири эканлигини назарда тутган ҳолда таълим мазмунидан келиб чиқиб барча фанларни ўргатишда фойдаланиш мумкин;

- Талабалар турли манбалардан халқ миллий анъаналари ҳақида кенг маълумотлар олиши мумкин. Лекин бетартиб, тарқоқ маълумотлар тарбия соҳасида кутилган самарани бермайди. Мазкур соҳада мақсадни аниқ белгилаш, мунтазамлик ва изчиллик тамойилларига амал қилиниши тақозо этилади;

- Талаба-ёшларни миллий руҳда тарбиялашда халқ педагогикасидаги анъаналардан фойдаланишда уларнинг билим савиялари, ёш хусусиятлари ва бошқа факторларни ҳисобга олиш тақозо этилади;

Барча халқларда бўлганидек, ўзбек анъаналари замирида мазкур халқа хос бўлган жиҳатлар ифодаланади ва улар миллий қадрият сифатида намоён бўлади. Ана шу нарса миллий онг, миллий руҳни шаклланишига ёрдам беради.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Г.И.ИШМУРОДОВА - ҚаршиДУ «Умумий техника фанлари ва меҳнат»
кафедраси мудири, п.ф.н., доцент**

Kасб-ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш малакали мутахассислар тайёрлашда катта аҳамиятга эга. Муаммоли таълим технологияси талабаларнинг нафақат аудиториядаги, балки аудиториядан ташқаридаги мустақил ишини фаоллаштиради. У қўйидаги босқичларни ўз ичига олади: муаммоли вазиятни келтириб чиқариш, вазиятни кузатиш ва тавсифлаш, вазиятни таҳлил қилиш учун маълумотлар тўплаш, муаммони ечиш усууларини аниқлаш ва уни амалда қўллаш, мавжуд бўлган маълумотлар асосида муаммо ечимини топиш, муаммо ечимини тавсифлаш ва унга ҳар томонлама баҳо бериш. Муаммоли

таълим технологияси асосида ташкил қилинган дарсларда ўқув баҳси, мунозара, ақлий ҳужум методларидан фойдаланиш мумкин. Касб-ҳунар коллежларида мутахассислик фани, хусусан, "Материалшунослик" предметини ўқитишда ҳам муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш мумкин.

Муаммоли вазиятни яратиш ва унинг өчимини топишида "Антифрикцион материаллар", «Қийин суюқланадиган металл ва қотишмалар», «Никель ва кобальт асосидаги оловбардош қотишмалар» мавзуларини ўқитиш жараёнида муаммоли таълим технологиясини қўллаймиз.

Мавзууни муаммоли баён этиш. Таълим жараёнида ўқитувчи муаммоли вазиятни яратиб,

УШБУ СОНДА

Х.АБДУКАРИМОВ, С.ГОФУРОВА - Маънавият - нокиза туйғу	2
Н.ВОХИДОВА, М.АБДУЛХАЕВА - Шарқ ва Ўарб маърифа шарварларининг педагогик қарашларида мислий курур тушунчасининг талқин килинishi	4
Д.С.НИШОНОВА - Мехнат таълими атамалариңинг узвийлиги ва бошқа фанлар билан узаро алоқалорлиги	5
П.ХОЛМАТОВ, Р.ПАРМОНОВ - Бошлангич синф үкувчиларида ватаншарварлик түнкисини шакллантириш	7
А.Х.ЖУРАКУЛОВА - Математика дарсларидаги ижодий саводхонларни шакллантириш	8
Р.М.АБДУЛЛАЕВА - Оила-чикоҳ установкаларининг ўзиға хос ҳусусиятлари	9
Д.К.АРАПБАЕВА - Тұрмұп кураеттап ёштарнинг ойлаға мослашувинин ижтимоий-психологик ҳусусиятлари	10
Д.МИРАЛИЕВА - Халқ педагогикаси айваналари асосида ёштарни тарбияларининг имкониятлари	12
Г.И.ИШМУРОДОВА - Каеб-хунар колледждарда мутахассислик факультетине үкитиш жағдайында мұаммомы үкитиш технологиясыдан фойдаланышы	13
М.Т.УМАРАЛИЕВА - Ботаникадан дарслар ташқары ишларда үкувчиларнинг мұстакил ішшарини ташқыл этиш асосида билиш мұстакилігін шакллантириш	15
И.ХИЛИРОВА, Н.САПАРОВА - Чет тири дарсларидаги ижолкор шахснің тарбиялаш	16
Ғ.М.ШЕРТАЙЛАКОВ - Физикадан постандарт лаборатория ичини бажарып	18
С.Ю.РАЖАБОВА, Д.Н.МАМАТОВ - Умумқасбий факультеттерде қомпьютер технологиялары ердамыда дарс ташқыл этиш	19
Х.АБДУРАЗЗОКОВ, М.ДУСМУХАМЕЛОВА - Таълимда интегратив өндешшүйлар ва уларнинг меҳияти	20
М.Т.МИРСОЛИЕВА - Педагогик колледж үкувчиларинин қасбий тайёргарлыгини шакллантиришда инновацион үкитиш технологияларидан фойдаланыш	22
Б.Х.ҰРАЗОВ - Тарапалар қасбий-маънавий қобидиятини шакллантириш	24
Р.YUSUPOV - Xitoy xalq respublikasi	25
З.М.ХАСАНОВА - Гендерные аспекты студенческой молодежи в самоопределении	27
К.Ж.АГАНИНА, С.Т.ЫБЫШПОВА - Содержательная характеристика программы спецкурса “Формирование налоговой культуры старшеклассников”	31
Д.Б.ХАКИМОВА - Девочки и мальчики - в чем различия?	34

ИЛОВА:
5-СИНФДА ГАЗЛАМАШУНОСЛИК МАШГУЛОТЛАРИДА АСБОБ-УСКУНА,
МОСЛАМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЎРГАНИШ

ТАҲРИРИЯТ

Бош мұхаррир Р.Х.Жураев

Бош мұхаррир А.Ш.Закиров
Үрінбосары

Масъул котиб Х.У.Худайбердиев

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ

Б.Бляхер, Б.Дониёров, Н.Мұспимов,
Х.Рашидов, У.Толипов, Ш.Эргашев,
К.Ядгарова, Ж.Шосалимов

Мусаххихлар Г.У.Раширова,
Е.А.Исаханова

Компьютерда териш
ва дизайн И.Рахимжанова,
М.Холиков

**Журнал
2001 йилдан чиқа бошлаган.**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ

100022, Тошкент ш., Күшбеки мәвзеси
16А уй, «МАКТАВ ва НАЙОТ» журнали
Тел.: (371) 250-04-69
Факс: (371) 250-18-59
E-mail: maktabavahayot@sarkor.uz

Муаллифнинг фикри ҳар доим ҳам таҳририят фикрига түрги көлавермайды. Таҳририят макопаларнинг үзүлүй хатоларини түрілеш ва кискартыши хукукини үзіда саклағанда Таҳририятта көрінілген макопалар атасига кайтарылмайды да тақриз килинмаиды.

Мнение редакции не всегда совпадает с мнением автора. Редакция оставляет за собой право на стилистическую правку и сокращение статей. Присланные в редакцию рукописи не возвращаются и не рецензируются.

**Журналдан күчириб босилғанда
“Maktab va hayot”дан олинди,
деб күрсатилиши шарт.**

ОБУНА ИНДЕКСИ - 1019